

Ishonch

2019 йил 18 май • шанба • № 62 (4191)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХВЖ БОШҚАРУВЧИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май кунни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги амалий мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

2017 йилнинг сентябрида Нью-Йорк шаҳрида ва жорий йил апрель ойида Пекин шаҳрида ўтган икки томонлама музокаралар самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтиришга хизмат қилгани таъкидланди.

Бугунги кунда жамғарма мамлакатимизда илгор халқаро тажриба ва билимлар асосида кенг миқёсда ислохот ва янгиланишлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим шериклардан бири экани алоҳида қайд этилди.

Кейинги икки йилда жамғармадан жалб этилган техник кўмак ҳамда сезиларли даражада ортди: мамлакатимизга ХВЖнинг 14 миссияси ташриф буюрди, солиқ ва молия соҳалари бўйича етакчи халқаро консултант ва экспертлар жалб этилди.

Жамғарма кўмагида Ўзбекистон ХВЖ статистика маълумотлари тараққийнинг умумий тизимига қўшилди, Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунларнинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди, янги Солиқ сиёсати ва маъмуриятчилиги концепцияси ва бошқалар жорий этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармаси-

нинг ҳамкорлиги истиқболлари батафсил муҳокама қилинди ва бу борадаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, монетар сиёсатнинг самарали воситаларини жорий этиш, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бошқа йўналишларда фаол ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, ХВЖ бошқарувчи директори Ўзбекистонга ташриф билан келиш таклифи ҳамда самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Кристин Лагард жамғарма мамлакатимизда барча тармоқ ва йўналишлари қамраб олган ҳолда фаол амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолашини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яхши қўшничиликни мустақамлаш ва ўзаро ишончни ошириш, минтақавий савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлики кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси мамлакатимизда самарали ислохотларни амалга ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашини давом эттиришга тайёр эканини тасдиқлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май кунни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд кунини самимий қутлаб, мустақам соғлиқ ва давлат хизматидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг жадал ривожланиши ва изчил мустақамлиги боришига хизмат қилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойидаги Ўзбекистонга илк давлат ташрифи

савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги амалий ҳамкорлик, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Суҳбат сўнггида давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевга жорий йил 9 июнда бўлаётган Қозоғистон Президенти сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА

ҲУДУДЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРНИ БИР ХИЛ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШ, ОДАМЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 16-17 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Андижон вилояти ҳокимлигида Президент раислигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Андижон вилоятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот 12 фоиз, жалб этилган инвестициялар ҳажми 19 фоиз ўсган. Жорий йил биринчи чоракда ҳам юқори суръат кузатилди.

Шунга қарамай, ҳали вилоятда ишга солинмаган имкониятлар қўллиги, иқтисодиёт замон талаблари асосида диверсификация қилинмагани таъкидланди. Жумладан, саноат маҳсулотининг 80 фоизи Аска тумани ва Андижон шаҳрига тўғри келади. Бошқа туманларда саноат деярли ривожланмаган.

Шуни инобатга олган ҳолда, Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган киймати 25 триллион 181 миллиард сўмга тенг 908 лойиҳадан иборат инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш, 35 мингдан зиёд иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истаги бўлган оилаларни аниқлаб, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 420 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратиш белгиланди.

Йиғилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда Андижон шаҳрида 14 та кўп қаватли арзон уй ва кўп қаватли арзон турар жой қурилиши маълум қилинди.

Президентимиз вилоят аҳолиси ўсиб бораётгани аниқлаб уйлар қуриш ва қўшимча иш ўринлари очиш, ижтимоий ва коммунал хизматлар ташкил этилиши талаб қилиниши, демак, тегишли вазирликлар ва вилоят раҳбарлари узоқни кўзлаб иш юритиш зарурлигини таъкидлади.

Қанчалик оғир бўлмасин, ислохотларни барча жойда бир хил олиб бориш қийин. Чекка жойларни қўйиб туриш, ҳатто вилоят марказларида ҳам ҳанузгача шўро даври манзарасини берадиган маҳаллалар, кўчалар учрайди.

Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласини ҳам ўз номига монанд деб бўлмади. Бу ерда ачинарли аҳволда яшаётган оилалар учун Хўжаобод тумани Хидирша массивидан 54 гектар ер ажратилиб, Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласи барпо этилаётгани ҳақида хабар берилган эди.

Давлатимиз раҳбари 16 май кунини янги маҳаллада бўлиб, бу ерга кўчиб келаётган оилалар учун яратилган шароит билан танишган, бунёдкорлик ишлари қўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Шавкат Мирзиёев 17 май кунини Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласига бориб, бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишди.

5 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган бу маҳалла ҳеч қандай шароит йўқлиги боис, шаҳарнинг оғриқ нуқталаридан бирига айланиб қолган эди. Кўчаларга машина сифмайди, қаерга қараманг торлик, пастқамлик, захлик, қўланса ҳидда чидаб



бўлмади. Қачондир муқаррар кўчиш кайфиятидаги одамлар ҳатто девор, дарвоза, эшик-ромларни бўяшга ҳафсала қилмайдди, ўт-ўлан қовжираган ҳовлисига қарамайдди.

Президентимиз эски барак шаклидаги ҳовлиларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди. Бундай шароитда кун кечирининг ўзи бўлмади. Айниқса, болалар шу шароитда яшаб келаётгани аянчлидир. Андижонда ер масаласи жуда оғир. Бу ерга келишимиздан мақсад одамлар турмуши билан танишиш, ҳамма оилалар учун яхши шароит яратиш бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳалла вакиллари баҳаво адирликдан жой ажратилиб, барча шароитлари мавжуд уй-жойлар қурилаётгани ва оилалар кўчирилаётганидан жуда мамнун эканини алоҳида таъкидлади.

Авал маълум қилинганидек, Мустақиллик маҳалласи ўрнида, Бобуршох, Амир Темур ва Навоий шохқўчаларининг кесишмасида «Andijon city» ишбилармонлик маркази барпо этилади.

Президентимиз бу қурилишда ҳар бир қарич ердан оқилонга фойдаланиш, кўламлиқларни кўргазма ташкил этиш зарур. Одамлар келиб кўрсин, шунда қизиқиши ортади. Бу шаҳарча яна икки йилдан сўнг Андижоннинг кўз-кўз қиладиган жойи бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда таунхаус услубидаги массивлар қурилиши лойиҳалари ишлаб чиқилган. Президент таклифи билан Андижон вилоятида аҳоли яшаш шароитини яхшилаш энг долзарб масалалардан бўлгани боис, биринчи бўлиб шу ҳудудда бундай уйларни қуришни бошлаш режалаштирилмоқда.

«Qorakol stroy engineering» маъсуляти чекланган жамияти ишлаб чиққан лойиҳага кўра, 7,5 гектар ерда 108 та таунхаус услубидаги уй, 9 та 5 хонали ва яна шунча 3

хонали коттежлар, болалар боғчаси, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қурилади.

Энг муҳими, ушбу массив ўзининг сувни тозалаш, канализация иншооти, сув иситиш станцияси, кичик электр станцияси, қуёш электр станцияларига эга бўлади. Яъни таунхаус уйлари ўзини ўзи тоза ичимлик суви, электр, иссиқлик билан таъминлайди. Уларни қуришда энергиятежамкор материаллардан фойдаланилади.

Тақдирот чоғида таунхаус уйлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежашда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Бу уйлар – келажак уйлари. Қишлоқ уйлари қаерда қурилишдан қатъи назар, энди камчиқим бўлади, ҳам одамларга шаҳардагидай шароит яратилади. Шунинг ҳисобига бу уйлар нархи ҳозиргилари билан тенг, аммо комплекс шароитга эга бўлади, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва ижод мактабида бўлди.

Муҳаммад Юсуф халқнинг дарди, қалбиди қувонч-у шодлиқлар, она юртга муҳаббат, садоқат ва фидойилик туйғуларини содда ва гўзал мисралар орқали тараннум этган ўзига хос ижодкор эди. Унинг асарлари минглаб қалбларга бахт ва қувонч туйғуси, самимият ва беғуборлик, маънавий гўзаллик улашаётди. Шоир ижодини ўрганиш, кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб ташкил этиш, ёшларга унинг ижодини, ўзбек адабиётининг янги қирраларини чуқур ўргатиш, истеъдодли ижодкорларни тарбиялаш таклифини илгари сурган эди. Шу асосда 2017 йил 25 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг буюми ўрнатилган

хиёбонни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Андижон шаҳрининг Амир Темур кўчасида шоир номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва шоирнинг буюми ўрнатилган хиёбон барпо этилди. Бугун мазкур мактабда 150 нафар иқтидорли йигит-қиз таълим олмоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, ҳайкалтарош Шохруҳбек Ўрозов томонидан яратилган бюст ва икки фаввора, манзарали гул ва дархат кўчатлари ўтқазилган хиёбон Андижон шаҳрининг кўркига кўрк қўшиб, ёш ижодкорлар тўпланадиган адабиёт-бадий масканлардан бирига айланган.

Президент мактаб-интернат ўқитувчи ва ўқувчилари билан мулоқот қилди. Муҳаммад Юсуфнинг ижодий фаолияти, мактабда ўқиган кезлари фойдаланган ўқув куроллари, суратлар жой олган музейда бўлди. Ўқувчилар шоир шеърлари ва ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Муҳаммад Юсуф халқчил шоир эди. У қисқа умри давомида катта маънавий мерос қолдириб кетди. Ватан ҳақида содда тил билан ёзган самимий шеърлари доимо қалбимизда сақланиб қолади. Энг катта бойлик – бу маънавий бойликдир. Шунинг учун ёшларимиз доимо ўқиши, изланиши лозим. Ҳамма нарсга ўтқинчи. Лекин билим ҳеч қачон йўқолмайди. Билимли одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шунинг учун сизлар ўқиш, изланишдан тўхтамаслигингиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мактаб-интернат ўқувчилари учун автобус ажратиш, бошқа вилоятлардаги ижод мактабларига бориб, тенгдошлари билан мулоқот қилишга кўмаклашиш, вилоят телевидениесида ўқувчилар иштирокида кўрсатувлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи якунига етди.

ЎЗА

КУНИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатда заргарлик тармоғини жадаллик билан ривожлантиришга оид фармонини имзолади.

КУНИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкентда «Ўзбекистон нефть ва газ – OGU 2019» ҳамда «Энергетика, энергияни тежаш, атом энергетикаси, муқобил энергия манбалари – Power Uzbekistan 2019» кўргазмаси бўлиб ўтди.

КУНИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Жорий йилнинг 6 июнь кунидан бошлаб мавсумий Тошкент – Бишкек – Баликчи (Иссиқкўл) йўналишида халқаро йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилади.

КУНИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ


Тошкентдаги Халқаро савдо марказида Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармон доира вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди.

КУНИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 8-йиғилиши ўтказилди.

КУНИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкентда бўлиб ўтган Евроосиё кардиологлари ассоциациясининг VII конгрессида мавжуд муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кардиолог олимларнинг кенг қамровли илмий изланишлари муҳокама этилди.



Кейинги пайтларда кўп бора тилга олинаётган, жамиятда илдам илгари суриланган «гендер тенглиги» тушунчаси турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда, қатор фикрларни ўртага чиқармоқда. Бу кимлар учундир эриш туюлиб, энсасини қотираётгани ҳам бор гап. Худдики, гендер тенгликка доир қонун тасдиқланса, давлатнинг жилови аёлларнинг қўлига ўтиб кетадигандай ваҳимага тушаётганлар ҳам йўқ эмас.

БИР ҲАДИС САБОҒИ

Аслида, баъзи хорижий тадқиқотчиларнинг мамлакатимиздаги гендер тенглик даражасига паст баҳо беришлари адолатли қарор эмас. Аваламбор, Конституциямизда аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқли экани аниқ кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга доир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Жамиятда, жамоада аёлларга қатор қулайликлар берилган. Аёллар оғир ишларга жалб қилинмайди, уч ёшгача фарзанд тарбиялаётган, ногирон боласи бор аёлларнинг иш вақтлари қисқартирилган. Жамоа шартномалари орқали берилаётган имтиёзлар аёллар манфаатдорлигини янада кенгроқ таъминламоқда.

Кечирасиз-у, ҳатто жиноят со-

Ҳикмат

Эҳтиросга ихтиёрни бериш — оқилларнинг иши эмас.

ҚОБУС



Автобус. Бу жамоат транспорти хизматидан фойдаланган йўловчи борки, уни бекатларда кутади. Чўнки бекатлар йўловчиларнинг кўтиш, автобусларнинг эса тўхташ жойидир. Аммо кўп ҳолларда йўл четига автобус бекати борлигини билдирувчи белгиларни кўрамиз-у, бекатни эса кўрмаймиз. Борлари ҳам ачинарли аҳволда эканлиги дилни хира қилади. Келинг, асл мўддаога ўтиб, мавзуни Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри ва Данғара туманлари мисолида давом эттирсак.

БЕЛГИСИ БОР-У ЎЗИ ЙЎҚ

Ёхўд бекатсиз йўллар манзараси

«ЛАВАШДАН ЎТИБ ТУШАМАН, СОМСАГА ТЎХТАБ КЕТИНГ»

Яқинда ишдан қайтаётиб, Учкўприк автостанциясидан 10-автобуска чиқдим. Бу автобус Қўқон шаҳрининг Алишер Навоий ва Усмон Носир кўчаларидан ўтиб «Қўқон савдо комплекси», яъни халқ тили билан айтганда «Янги бозор»га боради. Автобуска чиққанамда диққатимни тортгани йўловчилар учун эслатма қилиб ёзиб қўйилган «автобус фақат бекатларда тўхтади» деб ёзилган «битик» бўлди. Бироқ автобус ҳайдовчиси бу ёзувини унутган кўринади — йўлда қўл кўтарган йўловчига 100 метрда ҳам, 200 метрда ҳам тўхташини канда қилмайди. Энг қизиғи, йўловчилар манзилларига етар пайтда «лавашдан ўтиб тушаман», «сомсага тўхтаб кетинг», «магазиннинг олдида тушадиган бор» деб ҳайдовчинини олдиндан огоҳлантиришарди. Ажаблანарлиси, Учкўприк автостанциясидан «Янги бозорга»ча бўлган оралиқ масофада бирорта бекатни уч-ртмадим.

— Усмон Носир кўчасида автобус кутаётган йўловчиларга жуда қийин, — дейди йўл четига автобус кутаётган йўловчи Ҳилола Тошматова. — Бекат йўқлиги боис ёш-у кекса автобусни мана шундай иссиқ кунда тик оёқда кутишга мажбур. Айниқса, ёмғир ва шамолли кунларда қаерда автобус кутишингни билмайсан. Наҳотки, шундай аҳоли кўп яшайдиган кў-



чада бекат бўлмаса. Ахир, бу кўчадан ҳар куни қанча-қанча одам иш, ўқишга боради-ку! «Янги бозор». Қўқондаги энг йирик савдо мажмуаси бўлгани боис доимо гавжум. Бу ер 100-, 20-, 81-, 82-, 70-, 40- ва бошқа автобусларнинг сўнгги ва бошлангиш жойи бўлганлиги учун йўловчилар кўп тўпланади. Шундай бўлсада, бу ерда иссиқ-у совуқ дамларда йўловчиларнинг қорига ярайдиган, қор-ёмғирдан асрайдиган бекатни топиш мушкул иш.

БОРИ ҲАМ ҚАРОВСИЗ

Моварауннаҳр кўчаси Қўқон шаҳрининг марказий кўчаларидан бири. Кўчада бармоқ билан санарли бекат бўлишига қарамай, уларнинг айримлари ўриндиқсиз, ҳолати эса мақта-гудек эмас. Қўқон шаҳрининг юраги — хорижлик сайёҳлар жуда кўп таширф буюрадиган Ху-

доёрхон ўрдасининг ён-атрофидаги бекатлар ҳам анчайин қаровга муҳтож.

Бундан ташқари, шаҳар ичидаги бирорта бекатда автобус ҳаракати жадвали ва уларнинг аниқ етиб келиш вақти ҳақида хабар бериб турувчи маълумотлар йўқ.

Масалан, Қўқон ва «Найманча» автостанцияси йўналишидаги 51-автобус фозиёғлиқ кўчасидан ўтади. Бу кўчада бекатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Кўчада йўловчилар кўп бўлишига қарамай, бирорта бекатни кўрмайсиз.

Данғара тумани маркази эрта-ю кеч йўловчилар билан гавжум бўлишига қарамай, марказдан Қўқон шаҳригача бўлган оралиқ масофада бирорта автобус бекати йўқ. Шу сабабли ҳайдовчилар қаерда йўловчи бўлса, ўша ерда тўхташга мажбур. Бундан ташқари, автобус



катлардан йўловчилар аллақачонлар фойдаланмай қўйган. Негаки, ўтган асрдан қолган бу бекатлар умуман талабга жавоб бермайди. На ўриндиги, на томи бор.

ҚАНИ ЭДИ. БИЗДА ҲАМ БЎЛСА...

Улкан бунёдкорлик ишлари қатори Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд шаҳарларида замонавий бекатлар қуриладигани ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Айниқса, уларнинг ойнаванд, ёгин-сочиндан ва саратон футбол тўғидан ҳимоялайдиган қилиб қуриладигани, иситувчи-совитувчи кондиционер, автобусларнинг келиш вақти, ҳатто, об-ҳаво маълумотини кўрсатувчи электрон таблолар билан жиҳозланмоқда. Энг асосийси, бу бекатларда йўловчиларнинг автобус кутишлари учун керакли барча шароитлар яратилган. Худди шунингдек, ўтган йили Термизда ҳам барча қулайликларни ўзида жамлаган иккита «ақлли бекат» ишга туширилган эди.

Яқинда Хоразмга саёхатга боргандим. Шаҳарнинг тарихий жойларини томоша қилиш билан бирга, Хива ва Урганч шаҳрини ҳам автобуска сайр қилдим. Эътиборимни тортгани, шаҳар кўчаларидаги ҳар бир бекатга «Ватан», «Тараққиёт», «Шукрона», «Жалолиддин Мангуберди», «Арк», «Калта минор», «Саломатлик», «Обод қишлоқ» каби ўзига хос ном берилгани бўлди.

Афсуски, Қўқон шаҳри ва Данғара туманидаги кўчаларда бу каби ном берилган бекатларни топиш мушкул. Биз ҳам Урганч, Хивада бўлгани каби бу шаҳарларда ҳам тарихий жой номлари, ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган шахслар номи билан аталувчи «Ўрда», «Худоёрхон», «Муқимий», «Фурқат», «Ҳамза» каби бекатлар бўлишини жуда-жуда истардик.

Мақсадимиз, тирноқ остида кир қидириш эмас, балки мутасаддилар эътиборини маевуд мутамолларни бартараф этишга қаратишдан, уларни йўловчиларга янада кўпроқ қулайликлар яратишга ундашдан иборатдир.



Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«Ishonch»

«Гендер тенглиги» фақат аёлларнинг муаммоси эмас

фақат она масъул бўлиб қолаётгани оқибатида болалар бебош бўлиб кетмаяптими? Назаримизда, гендер тенглик масаланинг мана шу жиҳатларига эътиборни кучайтиришни тақозо қилади.

Гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди. Ҳар икки жинс вакилларининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, саномадлигини мустақамлаш, ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон бериш кераклигини илгари суради, холос. Бу эса дунёни ўргимчак тўри каби ўраб олган бозор иқтисодиётининг бешафқат ўйинлари, талабларига мос ҳаёт кечиримишда жуда муҳим. Биз истаимизми, йўқми, жаҳон ҳамжамияти билан тенг одимлашга мажбурмиз. Йўқса, хастаҳол инсон жамиятдан узоқлашгани янглиғ дунёдан узиламиз.

ТУШУНЧА ТОР БЎЛМАСИН

Кейинги пайтларда давлат бошқарувида аёлларнинг иштирокини кучайтириш масаласига эътибор ошгандек, назаримизда. Раҳбар бўлиш осон эмас. Айниқса, бугунги тезкор замонда. Амалдор одам эрта тонгдан тун ярмигача ишда бўлишига тўғри келади. Узундан узоқ йиғилишлар, сафарлар, асаббузарликлар... уйга қайтган ҳам ҳаёлингнинг бир чеккаси ишхона ташвиши билан банд бўлиши... Кечирасиз-у, турли раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг турмуш тарзига ҳавас қилиб бўлмайди. Ҳам раҳбарлик, ҳам оила бекалигини тенг олиб бораётган аёлларнинг ме-

тин иродасига, бардошига, бағрикенглигига қойил қолиш керак. Уларнинг аёллари ҳам, қадамлари ҳам нозик эмас, эркекларники каби залворли ва шиддаткор.

Бироқ беш қўл баробар эмас. Имтиёз ва имкониятларни суиистеъмол қилаётган аёллар ҳам бор. Уларда мансабпарастлик, шуҳратпарастлик авж олиб бораётганини кўриб жонинг ачийди. Баъзи мансабдор хонимлар уйда, кўни-қўшни, қариндош уруғида ҳам ўзини раҳбар сифатида тутишлари кишининг ғашини келтиради. Уларга қараб «Мана, аёлга мансаб берсанг нима бўлади?» деб қўлини бигиз қилувчилар ҳам кўпаймоқда.

Назаримизда, тенглик деганда аёлларимиз эркин ҳаётни тушуниб қолаётгандек. Бунинг натижасида эрга итоатсизлик қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Эркекнинг гурурини синдиришга уриниши, фақат иқтисодий омилларга таяниб фикр юритиши, бўйсунини истамаслик оқибатида асрий қадриятларимиз поймол бўлмоқда. Айрим аёллар арзимаган сабаблар билан ўз жуфтини, фарзандларининг отасини судга бермоқда, қаматмоқда. Бу эса фақат шу аёлларнинг, оилаларнинггина эмас, жамиятнинг маънавиятига ҳам путур етказмоқда.

ЎРНИНИ БИЛГАН ҲАМ ТУШМАС

Кўпни кўрган инсонлар дуога қўл чўзган чоғида, албатта, тилга олинадиган бир тилак бор: «Иссиқ ўрни-

миз йўқолмасин». Жамиятда эркекнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз ўрни бор. Наздимизда, бугун айрим аёллар эркекларнинг ўрнини эгаллашга уриниши оқибатида ўз ўрнини йўқотиб қўяётгандай. Гендер тенглик ҳақида мулоҳаза юритганда, масаланинг ушбу жиҳатини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Қолаверса, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий билимларини ошириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Эркеклар эса ўзини фақат кўчанинг одами, деб ҳисобламасдан, оиладаги мавқеини мустақамлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Бу фикрлар «Эркеклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси билан танишиш жараёнида туғилди. Ушбу қонун қабул қилинса, биз тилга олган қатор муаммо ва масалаларга ечим топилар, балки. Ушбу лойиҳани ўқиш жараёнида унга миллий менталитетимиз, қонуналиримиздан келиб чиққан ҳолда айрим ўзгартиришлар ҳам киритиш керак деган ҳулосага келдик.

Депутатларимиз ва қонун ташаббускорлари кенга жамоатчилик томонидан билдирилган фикрларнинг энг тўғриларини инобатга олишларига ишонамиз.



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch»

Эълон

«Оғриқ тишлар...»



Аукцион савдолари хабарномаси

«GOLDEN BUILD TRADING»

масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига «NEFTGAZQURILISHTA» АЖнинг 15.05.2019 йилдаги 6/AP-157-сонли бюуртма хатига асосан «NEFTGAZQURILISHTA» АЖга қарашли «2-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси хисобидagi Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янгиҳаёт» ҚФЙ Амрибод кўрғони ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 96680,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 7465,2 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлар, шундан соғилма диган умумий ер майдони 37000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 3076,6 кв.метрдан иборат қисми қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси – 2 302 242 000 (Икки миллиард уч юз икки миллион икки юз қирқ икки минг) сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 18 июнь кунини соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2019 йил 18 июнь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 25 июнь ва 2 июль кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюуртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 18 июнь кунинидаги савдо учун 17 июнь кунига қадар, 2019 йил 25 июнь кунинидаги савдо учун 24 июнь кунига қадар, 2019 йил 2 июль кунинидаги савдо учун 1 июль кунини соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушилки)

Аукцион савдосида иштирок

этиш истагидagi талабдорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидagi талабдорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бюуртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион савдосига эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган мўддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидagi бўлган талабдорлардан: — «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закат пулиларини тўлашлари;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; — юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралди.

Заказат тўлови учун реквизитлар: «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 302118823, МФО: 00111, АТБ «Турон банк» Бухоро вилояти филиали, ҳ/р: 20208000704953182001.

«Аукцион ташкилотчиси» – «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

Бюуртманома билан қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). Тел: (+998 90) 298-92-61. E-mail: maszatak@mail.ru

Лицензия № RR-0117

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти

Ортиқ ОТАЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация қодимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши меҳнат фахрийси

Комилжон РАХИМОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

«O'zbekinvest Hayot» mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug'urta kompaniyasi jamoasi kompaniyaning Xorazm viloyati filiali direktori Akbar Kurambayevga onasi

Нуржон ЙЎЛДОШЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

